O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

TOSHKENT

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси

№ 22 (9.060) * 1998 йил 25 февраль, чоршанба * Сотувда эркин нархда

*Тошкентда тайёрланган*

## ЖАҲОН БОЗОРИ САРИ



***Шаҳримиздаги «Ватан диёри» ҳиссадорлик жамияти мебелсозлари истеъмолчилар талабини тўлиқ қондириш йўлида янги-янги маҳсулот турларини яратмоқдалар.***

Ҳиссадорлик жамиятига айлангач, ишчи-хизматчиларнинг фақатгина меҳнатга муносабатлари ўзгарибгина қолмай, балки улар тадбиркорлик ва ишбилармонлик билан иш юритишга ўргандилар.

— Бир йилдан буён Италиянинг «Коинпекс» фирмаси билан юмшоқ курсилар ишлаб чиқариш соҳасида ҳамкорлик қилиб келамиз, — деди бошқарув раиси Бахтиёр Раҳимов. — Бу йил эса ҳамкорлигимиз ўз самарасини берди. Италиядан 460 минг сўмлик янги технология келтириб ўрнатилди ҳамда 60 фоиз ўзимизнинг, 40 фоиз италияликларнинг сармоясини жалб этган ҳолда «Ўзиталмебель» қўшма корхонасини очишга муваффақ бўлдик. Жорий йилнинг биринчи иш кунидан бошлаб корхона ўз маҳсулоти — сифатли ва харидоргир курсиларини истеъмолчиларга тақдим эта бошлади. Қўшма корхона ишчи-хизматчилари замонавий технология сирларини қисқа фурсатларда қунт билан эгалладилар. Улар тайёрлаётган маҳсулотлар харидорга маъқул бўлмоқда.

Ҳиссадорлик жамияти жамоаси томонидан ўтган йилда 100 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди. 20 хил турдаги хилма-хил курси ва юмшоқ мебеллар буюртмачи ҳамда харидорлар томонидан яхши қабул қилинди. Жамоа аҳлининг асосий мақсади аҳоли дидига мос замонавий мебеллар яратиш йўлида тинмай изланишдир. Ана шу мақсад йўлида тер тўкаётган мебелсозлар Оила йилида 240 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари тайёрлашни ният қилишган. Кўриб турганингиздек бу ўтган йилгидан салкам икки ярим баравар ортиқдир. Шунингдек, улар яна 7—8 хил стол ва стул, юмшоқ курсиларнинг янги турларини яратиш йўлида изланмоқдалар. Янги йилнинг дастлабки кунлариданоқ 2 турдаги чиройли ва бежирим стуллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, хонтахта ва столлар тайёрланмоқда. Бу борада изланувчан уста-рассом Санжар Шукуровнинг хизматлари беқиёсдир. Корхонада тайёрланаётган ҳар бир маҳсулотнинг харидор дидига мос тушиши унинг маҳоратига боғлиқдир.

— Ҳамза туманида янги қозонхонанинг ишга туширилиши, — дейди раҳбар ўз сўзини давом эттириб, — ишларимизнинг янада олға силжишига ижобий таъсир этди. Цехларимиз янги биноларга кўчиб ўтди. Мана, бугунги кунда тўла қувват билан ишлаётган 6 та цехимизда 290 нафар ишчи-хизматчи фаолият кўрсатмоқда. Биз фақат маҳсулот ишлаб чиқариш билан чекланиб қолмай, аҳолидан тушган мебелларни ҳам таъмирлаб берамиз. Бу ишимиздан кўпчилик мамнун.

Тажрибали мебелсоз Ҳотам Аъзамов кўп йиллардан буён шу жамоада меҳнат қилиб обрў-эътибор қозонганлардан. Биз у бошқараётган цехга кирганимизда ҳар бир ишчи ўз дастгоҳи ёнида иш билан машғул эди. Дастгоҳчи Саидаҳмад Мирзааҳмедовни суҳбатга тортдик.

— Ўз ишимдан мамнунман, — деди у. — Мана кўриб турганингиздек ишимиз сермашаққат, лекин мароқли. Айниқса, тайёр маҳсулотни кўрганда ўзимизнинг ҳам дилимиз яйраб кетади. Сенинг меҳнатинг мевасидан бошқа бировлар роҳат топсалар барибир яхшида. Чунки элга, одамларга нафинг тегаётганлигини ҳар доим ҳис этиб турасан. Корхона маъмурияти томонидан ишчиларга яратилаётган қулай шароитлар ҳам ишимиз ривожига салмоқли ҳисса бўлмоқда. Кунига бепул сут ва сут маҳсулотлари берилади, шу билан бирга касаба уюшмаси соғлиғимизни тиклаш ҳамда меҳнат таътили даврида мазмунли дам олишимиз тўғрисида доимо қайғуради. Бундан ташқари ишчи кийими билан таъминланамиз ва эҳтиёж туғилиб қолган пайтда имтиёзли нархларда мебель маҳсулотлари олиш ҳуқуқига эгамиз.

Мебель қопловчи Рашида Нурматова, силлиқловчи Мирҳамид Мирдадаев, Толибжон Отамуродов, муҳандис лаборант Дилдора Ҳидоятовалар ҳам маҳсулотнинг сифатли тайёрланиши борасида сидқидилдан қайғурадилар.

— Тўғрисини айтиш керак, — гапга қўшилди Рашида Нурматова ҳам, — илгарилари жуда кўп ишлар «Мендан кетгунча эгасига етгунча» қабилида амалга ошириларди. Энди ундай эмас, чунки харидорларимизнинг диди баланд. Биринчи навбатда ана шу бизнинг эътиборимизда.

Иш бошидан, яъни ёғочни қайта ишлашдан сифатга эътибор қаратилса, бу маҳсулотнинг кўринишига ижобий таъсир этиши шубҳасиз. Ишчи ва хизматчилар ўзларининг ана шундай самарали меҳнатлари эвазига 300 минг сўм миқдорида моддий ёрдам олдилар.

Ҳиссадорлик жамияти аъзолари ўтган йил охирида республикамиз бўйича ўтказилган мебель маҳсулотлари кўргазмасида муваффақият билан иштирок этди. Муваффақият билан дейишимизнинг боиси шундаки, бу кўргазмага қўйилган «Ватан диёри» маҳсулотлари яхши баҳоларга сазовор бўлди ҳамда жуда кўплаб корхона ва ташкилотлар билан 160 миллион сўмликка яқин шартномалар имзоланди. Бугунги кунда ана шу шартнома мажбуриятларини адо этиш йўлида ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, Литва давлати билан ҳамкорлик асосида тайёрланган стуллар харидоргирлиги билан ажралиб турибди.

Корхонада чиқарилган қимматли қоғоз-акцияларнинг 49 фоизи ишчи-хизматчилар қўлида. 1996 йилда ишлаб чиқаришдан тушган фойда янги технологиялар сотиб олишга сарфланган бўлса, 1997 йилдаги топилган фойдадан акциядорларга дивиденд тўлаш мўлжалланмоқда. Бу, албатта ишчиларнинг ҳиссадорлик жамиятига бўлган ишончларини янада ошириб, сидқидилдан ишлашга ундайди.

Бу ерда иш бошлаган «Ўзиталмебель» қўшма корхонаси ишлари билан ҳам танишар эканмиз бош директор Нуржон Налибоев келгуси режалар ҳақида қуйидагиларни гапириб берди:

— Албатта, маҳсулотнинг сифати илғор, замонавий технологияга боғлиқлигини бугун мана бу янги дастгоҳлар мисолида кўриб турибмиз. Уларнинг афзаллиги шундаки, илгариги дастгоҳлар билан соатлаб бажариладиган ишлар энди бир зумда бажарилади. Бунинг устига маҳсулотнинг сифатли тайёрланишига кафолат бор. Бу йил қўшма корхонамизнинг 300 минг долларлик маҳсулотларини хорижга экспорт қилишни мўлжаллаб турибмиз. Ўйлайманки, ҳамкорлик самараси бўлган маҳсулотларимиз жаҳон бозорида ўз ўрнига эга бўлади.

*Шарифа ИЛЁСОВА.*

*СУРАТДА: ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган мебель маҳсулотларидан намуна.*

*Рустам Шарипов олган сурат.*

*Анжуманлар*

## МУЛОҚОТ ТАРЗИДА

***Темурийлар тарихи Давлат музейида «Маънавий уйғониш ва Имом ал-Бухорий» мавзуида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.***

Мазкур анжуманда қатнашган таниқли олимлар ҳадис илмининг пири, улуғ тафаккур соҳиби Имом ал-Бухорий ижодининг бебаҳо дурдоналари ҳақида сўз юритдилар. Улар Имом ал-Бухорийнинг ҳадислар тарихи; моҳияти ва мазмуни тафсилотлари ҳақида тўхталиб, алломанинг маънавий бой мероси ҳозирги ёшлар тарбиясида ҳам муҳим ўрин тутишини, улуғ аждодимиз таваллуди 1225 йиллигининг бутун дунёда нишонланиши эса халқимиз маданий-маърифий мероси жаҳонда тан олиниб, унга қизиқиш катталигидан далолат эканлигини таъкидладилар.

*Мавлуда ҚОСИМОВА.*

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

*Янгиликлар. Воқеалар. Хабарлар*

*Тошкент шаҳар ҳокимлигида*

## ЎСМИРЛАР ТАРБИЯСИГА ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР

**КЕЧА**

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг мажлиси бўлиб ўтди. Унда ушбу комиссиянинг 1997 йилдаги иш натижалари ва олдинда турган вазифалар муҳокама этилди.

Мажлисда сўзга чиққан халқ таълими, соғлиқни сақлаш муассасалари, маъмурий идоралар ва жамоатчилик ташкилотлари вакиллари ўтган йили ўсмирлар ўртасида тарбиявий ишларни такомиллаштириш, жиноятчиликнинг олдини олиш юзасидан бирмунча тадбирлар амалга оширилганлигини қайд этдилар. Аммо вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликнинг аҳволи бу иш самарадорлиги кўзланган даражада эмаслигидан далолат бериб турибди.

Ўсмирлар ўртасида тарбиявий ишларда сифат жиҳатидан яхшилаш учун халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ҳуқуқ-тартибот муассасалари ва жамоатчилик ташкилотларининг ушбу йўналишдаги куч-ғайратларини бирлаштириш ва мувофиқлаштириш зарур. Республикамизда Оила йили деб эълон қилинган 1998 йилда оилага, унинг ҳуқуқий, ижтимоий ва маънавий ҳимоясига биринчи даражали аҳамият берилиши талаб этилади. Ўсмирларнинг, айниқса ноқобил оилалардаги вояга етмаганларнинг ҳуқуқий билими ва маданиятини ошириш энг долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Мажлисда тасдиқланган комиссиянинг 1998 йилги иш режаси ҳамда Оила йили учун мўлжалланган дастурлар мажмуида вояга етмаганлар тарбиясини тубдан яхшилаш, юқорида қайд этилган муаммоларни ҳал этиш аниқ чора-тадбирлари ўз ифодасини топди.

Мажлисни ушбу комиссиянинг раиси, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Шуҳрат Жалилов олиб борди.

## БУГУНГИ КУН НАФАСИ

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кеча мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Грузия парламенти раиси З. Жванияни қабул қилди. Грузия парламенти раиси Олий Мажлис раиси Эркин Халилов ҳамда Бош вазир Ўткир Султонов билан ҳам учрашди. З. Жвания Тошкентдаги миллий боғда Алишер Навоий ҳайкали пойига гул қўйди, Грузия элчихонасида бўлди.

● Вазирлар Маҳкамаси «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида» қарор қабул қилди. Унга мувофиқ, жумладан, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ташкил этиладиган, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти Тошкент давлат педагогика университетига айлантириладиган бўлди.

● Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида Президент ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Олий Мажлис қўмиталари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоят ҳокимлари ҳамда вазирлик ва идоралар, уюшма ва компаниялар раҳбарлари ўринбосарлари, туман ҳокимларининг қишлоқ хўжалигини иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш масалалари бўйича ўқув машғулотларининг иккинчи босқичи бошланди.

● Вазирлар Маҳкамасида кеча қишлоқ аёлларининг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш муаммоларига бағишланган анжуман ўтказилди.

● Андижон вилоятидаги «Анзис» ҳиссадорлик жамиятида Асакада ишлаб чиқарилаётган автомобиллар учун 10 турдаги эҳтиёт қисмлари кўплаб тайёрлана бошланди. Айни пайтда бу ерда автомобиллар учун яна 20 та эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилмоқда.

### ЖАҲОНДА

● Эртага Вашингтонда Ўзбекистон-АҚШ қўшма комиссиясининг йиллик мажлиси очилади. Бу ерда икки кун давомида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш масалалари кўриб чиқилади.

● Кеча Нью-Йоркда БМТ Бош котиби Кофи Аннан Хавфсизлик Кенгашига аъзо 15 мамлакат вакилларига ўзининг Бағдодда олиб борган уч кунлик музокаралари натижасида имзоланган БМТ билан Ироқ ўртасида ўзаро тушуниш тўғрисидаги меморандум тўғрисида ахборот берди. Ушбу ҳужжатда Ироқ БМТ махсус комиссияси аъзоларига мамлакатдаги барча иншоотларни, шу жумладан «президент иншоотлари»ни ҳам ҳеч қандай монеликсиз текширишга ижозат бериши ўз ифодасини топган. БМТ Хавфсизлик Кенгаши ушбу масала бўйича ҳозирча узил-кесил қарор қабул қилганича йўқ.

● АҚШ БМТ билан Ироқ ўртасида аҳдлашув имзолanganига қарамасдан ўзининг Форс кўрфазидаги қуролли кучларини бу ердан олиб чиқиб кетиш ниятида эмас. Аксинча бугун Қувайтга АҚШ ҳарбийларининг сўнгги қисми етиб келади ва бу ердаги Америка қўшинлари сони 6 минг кишига етади. АҚШ бу қўшинларини Қувайтда уч ой муддатда сақлаб туриш ҳамда улар иштирокида кенг кўламли ҳарбий машқлар ўтказишга қарор қилди.

● Эртага Украина Президенти Леонид Кучма расмий ташриф билан Москвага келади. Унинг Россия Президенти Борис Ельцин билан икки кунлик музокаралари якунида ушбу давлатлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида 10 йил муддатга — 2007 йилгача мўлжалланган шартнома имзоланиши кўзда тутилмоқда.

● Ҳиндистон пойтахти Деҳлида таълим соҳаси ва саводсизликни тугатиш бўйича иккинчи Осиё минтақавий анжумани бўлиб ўтди. ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, БМТнинг Тараққиёт дастури ҳамда минтақа 14 давлати вакиллари иштирок этган ушбу анжуманда Ўзбекистон Республикаси делегацияси томонидан тақдим этилган Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур юксак баҳоланди.

● Бугундан бошлаб Чеченистонда «Қурол тўғрисида»ги қонун кучга киради. Унга мувофиқ эндиликда фақатгина ҳуқуқ-тартибот идоралари хизматчилари қурол билан юриш ҳуқуқига эга бўладилар.

● Кеча Грузиянинг Москвадаги элчихонасида Грузияда террорчилар томонидан гаровга олиниб, ушлаб турилган БМТ уч ходимини озод этиш бўйича собиқ Президент Звиад Гамсахурдиа тарафдорлари билан музокаралар ўтказилганлигига қарамасдан террорчилар берган ваъдаларининг устидан чиқмадилар — гаровга олинганларни озод этмадилар. Улар энди Звиад Гамсахурдиа тарафдорлари билан бевосита Тбилисида музокаралар ўтказишни талаб этдилар. Террорчилар шу музокаралар бошланиши билан гаровга олинганларни қўйиб юбориб, ўзлари маъмурларга таслим бўлишларини маълум қилдилар. Грузия маъмурлари бунга рози бўлдилар.

● Индонезияда молиявий танглик оқибатида пул қадрсизланиши ва асосий турдаги маҳсулотлар нарх-наволари кескин ошиши муносабати билан бир неча кун давомида студентлар ғалаёнлари давом этмоқда. Шу муносабат билан маъмурлар бу ғалаёнлар бошланган шаҳарларга шошилинч равишда қўшин киритмоқдалар. Мамлакатда март ойи ўрталарига мўлжалланган президент сайловларигача митинг ва намойишлар ўтказиш тақиқлаб қўйилди.

● Бугун АҚШ Президенти Билл Клинтон Флорида штатида соатига 340 километр тезликда бўҳрон эсиши оқибатида табиий офат рўй берган ҳудудларда бўлади. Сўнгги маълумотларга кўра ана шу бўҳрон туфайли 38 киши ҳалок бўлган, 250 киши жароҳатланган, 6 киши эса бедарак йўқолган, деб ҳисобланмоқда.

● Краснодар ўлкасида сув тошқини оқибатида ҳозирнинг ўзида аҳоли турар жойларидаги 22 мингтадан кўпроқ уй сув остида қолди.

## ФАРМОНГА ШАРҲ

Кейинги вақтларда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг айрим ҳарбий қисмларида ҳарбий хизматчилар ўртасида низомга зид ўзаро муносабатлар ҳоллари аниқланганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов 1998 йилнинг 23 февралида «Ўзбекистон Республикаси ҳарбий қисмларида интизомни мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди. Фармонга биноан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, чегара ва ички қўшинлари ҳарбий қисмларида ҳарбий интизомнинг аҳволини чуқур ўрганиш учун комиссия тузилди.

Комиссияга уч ой ичида ҳарбий қисмлар ҳарбий хизматчилари ўртасида низомга зид ўзаро муносабат ҳолларини бартараф этишга қаратилган муайян чора-тадбирлар мажмуини Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдим этиш топширилди.

Ҳарбий интизомнинг аҳволи ва низомга зид муносабат ҳолларини бартараф этиш чора-тадбирлар самарадорлиги учун ҳарбий қисмлар командирлари ва тегишли қўшин турлари қўмондонлари жавобгардирлар. Президент Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги ва Прокуратураси раҳбариятига бир ой муддат ичида ҳарбий хизматчилар ўртасида низомга зид муносабат ҳолларининг хизмат текшируви тартиблари тўғрисида Низом тайёрлаш ва уни тасдиқлаш учун тақдим этишни топширди. Ўзаро муносабатларда низомга зид ҳар бир ҳолат учун ҳарбий қисмлар ва бўлинмалар командирларини жиноий жавобгарликка тортишгача бўлган шахсий жавобгарлиги Низомда белгиланади.

Ҳарбий қисмларда соғлом ахлоқий муҳитни яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитасига «Камолот» Ёшлар жамғармаси ва Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» жамияти билан ҳамкорликдаги ўз фаолиятларида ҳарбий хизматга чақирилувчилар ва ҳарбий хизматчилар ўртасида тарбиявий ишларни яхшилашга алоҳида эътибор қаратишлари тавсия этилди. Бунинг учун Хотин-қизлар қўмитаси қошида доимий фаолият кўрсатувчи комиссия тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Ички ишлар вазирлигига ушбу комиссия ўз фаолиятини амалга ошириши учун зарур шароит яратишга кўрсатма берилди.

Сурхондарё вилоятининг «Оқтош» чегара постида ҳарбий хизматчиларни ҳалокатга олиб келган фожиали воқеа муносабати билан ушбу ҳодиса сабабларини пухта ўрганиш учун комиссия тузилди. Комиссия икки ҳафта ичида Ўзбекистон Республикаси Президентига ўз иши натижаларини тақдим этиши лозим.

Ҳарбий интизомни бўшаштириб юборганлиги, ўқ отиш қуролларини сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузганлиги ва бу жуда оғир оқибатга олиб келганлиги учун ушбу ҳарбий қисм қўмондонлигига нисбатан жиноий жавобгарликка тортишгача бўлган ўта қаттиқ чоралар кўрилади.

## ОЛИЙ МАЖЛИС ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси бўшаб қолган ўринларга Олий Мажлис депутатларини сайлаш бўйича 1998 йил 15 февраль куни ўтказилган сайлов натижаларини кўриб чиқди.

Сайлов 16 та округда ўтказилди. Жумладан, Тошкент шаҳридаги 17-Самолётсозлар округида овоз беришда сайловчиларнинг 89,3 фоизи иштирок этди.

Марказий сайлов комиссияси сайлов барча округларда Қонун талабларига мувофиқ ўтганини қайд этди.

Марказий сайлов комиссияси овоз бериш натижалари тўғрисида тегишли округ сайлов комиссиялари тақдим этган ҳужжатларни кўриб чиқиб, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 11 ва 46-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайланган депутатларни рўйхатга олиш ҳамда сайланган депутатлар рўйхатини республика ва тегишли маҳаллий матбуот органларида эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Жумладан, Тошкент шаҳридаги 17-Самолётсозлар округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати этиб номзоди Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан кўрсатилган, 1941 йилда туғилган, «Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акционерлик жамиятининг бош директори лавозимида ишлаётган Вадим Петрович **Кучеров** рўйхатга олинди.

*Фармон ва ижро*

## ДОЛЗАРБ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ

**БУГУН**

Собир Раҳимов тумани ҳокимлиги ва «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳамкорликда Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети маданият саройининг кичик залида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонларини бажариш ва ижро этиш бўйича тадбирларни такомиллаштиришга бағишланган «Президент Фармонлари — амалда» мавзуидаги семинар-кенгашни ўтказди.

Анжуманда «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва кадрлар тайёрлаш Миллий дастури хусусида атрофлича фикр-мулоҳазалар билдирилди. Жумладан, кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва унинг хусусиятлари, ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари, таълим тизимидаги имтиёзлар ва имкониятлар, малакали педагог кадрлар тайёрлаш — замон талаби мавзуига бағишланган маърузалар анжуман қатнашчиларида қизиқиш уйғотди. Республикамизнинг таниқли олимлари юқоридаги мавзулар бўйича маърузалар қилишди.

*(Ўз мухбиримиз).*

*Ҳуқуқ*

## ОИЛА КОДЕКСИ ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАДА

Ҳуқуқий маърифат-тарғибот маркази ходимларининг пойтахтимиздаги Қашқар маҳалласи аҳли билан учрашуви оиланинг жамиятда тутган ўрни мавзуига бағишланди. Унда марказ мутахассислари Оила кодекси лойиҳасининг моҳияти, ундаги янгиликлар, оила даромади, уни тақсимлаш, бола тарбиясида ота-она ибрати каби мавзуларни ёритдилар.

Суҳбат самимий тарзда, жонли мулоқот руҳида ўтди. Айниқса, оила хусусидаги маъруза, унда келтирилган ҳаётий мисоллар учрашув қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди, баҳс-мунозараларга сабаб бўлди.

*Манзура РИЗАЕВА.*

